

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НУСРАТИЛЛОЕВА ДИЛНОЗА НУСРАТИЛЛОЕВНА

**ХУРШИД ДАВРОННИНГ ИНДИВИДУАЛ УСЛУБИ ВА ПОЭТИК
МАҲОРАТИ**

10.00.02 - Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Нусратиллоева Дилноза Нусратиллоевна Хуршид Давроннинг индивидуал услуби ва поэтик маҳорати	3
Нусратиллоева Дилноза Нусратиллоевна Индивидуальный стиль и поэтическое мастерство Хуршида Даврона.....	23
Nusratilloeva Dilnoza Nusratilloevna Khurshid Davron's individual style and poetic skill.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НУСРАТИЛЛОЕВА ДИЛНОЗА НУСРАТИЛЛОЕВНА

**ХУРШИД ДАВРОННИНГ ИНДИВИДУАЛ УСЛУБИ ВА ПОЭТИК
МАҲОРАТИ**

10.00.02 - Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fil422 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz)га жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ҳасанов Шавкат Аҳадович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Дамин Тўраев филология фанлари доктори, профессор Қувватова Дилрабо Ҳабибовна филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” _____соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. тел: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат универстети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15.тел: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ кун тарқатилди.
(2022 йил _____даги «_____» рақамли реестр баённомаси)

М.Қ.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

Д.Б.Хурсанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Ж.Ҳамроев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида кейинги йилларда ижодкорнинг индивидуал услуби қирраларига, бадиий матн таркибидаги ғоя ва мавзуларнинг яхлитликни юзага келтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишда ҳамда шеър назарияси, поэтикаси ва матн ости маъноларини белгилашда шоир маҳорати масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, муайян ижодкорнинг лирик асарларини ғоявий-бадиий усуллар асосида таҳлил этиш, шоир услуби қирраларини алоҳида ёритиш, шеърини матн моҳиятини қиёсий-типологик ва структуравий жиҳатдан очиқ бериш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё адабиётшунослигида бадиий адабиёт намуналарини шоир шахсияти, ўзига хос услуби, маҳорати асосида ўрганиш, шеърини матн ва унинг спецификаси ҳамда бадиий оламини юзага келтиришда шакл ва мазмун муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Хуршид Даврон индивидуал услубининг асосий қирраларини унинг шеърлятидаги рамзийлик ва тарихийлик ташкил қилади. Унда давр, шахс, шеърят, поэтик мазмун ва ғоя, ижтимоий мотивлар, образлар табиати, лиро-эпик асарлардаги лирик асос ва эпик кўламдорлик, жанрлар ранг-баранглиги ҳамда ижодкор маҳорати билан боғлиқ илмий-назарий жиҳатлар ўзаро мантиқий изчиллик асосида ўрганиладики, бу бевосита мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар шароитида замонавий ўзбек адабиётини ривожлантиришга, жумладан, адабиётшуносликнинг жаҳон илмида тараққий этган метод ва усулларини илмий тадқиқот жараёнига тадбиқ этишга катта эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан “Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, тармоқ институтлари, илмий ва инновацион марказлар ҳамда корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, илм-фан ва таълим соҳаларидаги илмий, инновацион фаолиятни рағбатлантирадиган шарт-шароитларни яратишга асосий эътибор қаратиш замон талаби бўлиб қолмоқда”.¹ Бинобарин, XX аср иккинчи ярми адабий жараёнига “70-йиллар авлоди” номи билан кириб келган шоирлар қарашларидаги адабий-эстетик яқинлик ҳамда ватан озодлиги, эл-юрт манфаатлари, истиқлол ғояси, тарихга очиқ кўз билан қараш, миллат, умуминсоний қадриятларга эътибор ва эҳтиром адабий авлод вакиллари услубини белгилайдиган муштаракликни юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2016 йил 13

¹Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.171-172.

майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шеърятда поэтик услуб ва унинг ифодаси муаммоси жаҳон адабиётшунослигида атрофлича ўрганилган. Поэтик услуб ва унинг ифодаланиши масалалари шеърятда, асосан, рамзий-мажозий тимсоллар воситасида амалга оширилган. Бу жиҳатдан Арасту, В.Г.Белинский, И.В.Гёте, Д.Дидро, Г.В.Гегель, Х.О.Гассет, В.Шкловский, Б.Эйхенбаум, В.Жирмунский, Б.С.Михайличенко каби олимларнинг фундаментал тадқиқотлари² аҳамиятли ҳисобланади.

Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор маҳорати, индивидуал услуби муаммолари бўйича кўпгина тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу ўринда, аввало, адабий жараёнда иштирок этиб, ўзининг илмий қарашлари, адабий танқид кўринишдаги мақолалари, бирор бир ёзувчи ва шоир маҳоратига бағишланган монографиялари билан ажралиб турадиган Фитрат, Ойбек, О.Шарафиддинов, Н.Шукуров, М.Қўшжонов, Н.Каримов, И.Ғафуров, Б.Назаров, И.Ҳаққулов, Ҳ.Болтабоев, Қ.Йўлдошев, С.Мелиев, Ж.Жумабоева, Ш.Ҳасанов, У.Ҳамдам, Д.Тўраев, Д.Қувватова, Р.Муллахўжаева каби адабиётшуносларнинг шеърят соҳасига оид тадқиқотлари³ алоҳида эътиборга лойиқ.

²Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. Рус тилидан М.Махмудов таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011; В.Г.Белинский. Танланган асарлар. – Тошкент: Уздавнашр, 1955; Гёте И.В. Шиллер Ф. Периписка в 2-томах. – Москва: Искусство, 1982; Дидро Д. Салоны. – Москва: Искусство, 1971; Гегел Г.Ф.В. Эстетика в 4-х томах. – Москва: Прогресс, 1990; Шкловский В.Б. Избранные работы. 3-томах. – Москва: Художественная литература, 1979; Эйхенбаум Б.О. Прозе о поэзии. – Москва: Художественная литература, 1986; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Ленинград: Наука, 1977; Михайличенко Б.С. Поэтика сонетных тематических канонов. – Самарқанд: изд. СамГУ, 1998. – С.219.

³Фитрат. Адабиёт қондалари. Танланган асарлар. IV жилдлик – Тошкент: Фан, 2007; Ойбек. Шоирни қандай текшириш керак? // Қизил Ўзбекистон, 1927 йил 14 май; Шарафиддинов О. Истедод жилolari. – Тошкент, 1976; Шукуров Н. Ғ.Ғулумнинг лирик поэзиясидаги маҳорати. – Тошкент: Фан, 1966; Қўшжонов М. Сайланма. 1-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982; Каримов Н. Ойбек. – Тошкент, 1985; Назаров Б. Ҳаётийлик-безавол мезон. – Тошкент, 1985; Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Тошкент, 1979; Ғафуров И. Лириканинг юраги. – Тошкент, 1982; Ҳаққулов И. Масъул сўз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989; Ҳаққулов И. Ижод иқлими. – Тошкент: Фан, 2009; Болтабоев Ҳ. Истиклол

Диссертация ёзиш жараёнида номлари қайд этилган ва бошқа бир қатор ўзбек, шунингдек, жаҳон адабиётшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда амалга оширилган ишлардан фарқли равишда, Хуршид Даврон ижодий индивидуаллиги, услубий ўзига хосликлари қиёсий-типологик, герменевтик, социологик, биографик усуллар асосида монографик тарзда ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек адабиётини ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хуршид Давроннинг лирик фаолиятини, индивидуал услубини ёритиш, поэтик маҳорати ва адабий-эстетик қарашларининг асослари, шаклланиш босқичлари, етакчи тамойилларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари

Хуршид Даврон ижодида шеърий жанрлар ва шакллар ранг-баранглигини ва унинг индивидуал маҳорат қирраларини, қўллаган шеърий ифода усулларини очиб бериш;

шоир шеъриятида тарихий шахслар образи ва образлилик масаласи, ҳамда адабиётда ижтимоий лириканинг ўрни, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

шоир шеъриятида табиат тасвири ва пейзаж лириканинг мавқеи, унда адабий издошлик ҳамда новаторлик масаласининг ўрнини тайин этиш;

Хуршид Даврон асарларидаги ватан озодлиги, юрт истиқболи ғояларининг жадид адабиёти вакиллари шеъриятига ҳамоҳанглиги масаласини қиёсий-типологик ўрганиш;

ижодкор услубининг “70-йиллар шоирлари” авлоди поэтик услублари билан муштарак ва фарқли жиҳатларини кўрсатиб бериш;

шоир шеъриятида композицион маҳорат масалаларини текшириш ва бу борадаги унинг ўзига хосликларини аниқлаш ҳамда бадиий тасвирий воситалар орқали шоир шеърияти бадииятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг “Тунги боғлар”, “Болаликнинг овози”, “Қақнус”, “Баҳордан бир кун олдин”, “Самарқанд хаёли” каби тўпламларига кирган асарлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Хуршид Давроннинг илмий-ижодий фаолиятига хос хусусиятлари ва етакчи тамойилларини аниқлаш ташкил этади.

имкониятлари: янгиланаётган анъаналар ва постмодернизм. (Мустақиллик даври адабиёти) – Тошкент, 2006; Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент, 2006; Ҳасанов Ш. Достон ва лирика. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002; Ҳамдам У. Янги ўзбек шеърияти. – Тошкент: ADIB, 2012; Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек поэмачилигида жанр ва услуб ранг-баранглиги. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Фан нашриёти, 2010; Муллаҳўжаева Р. Тафаккур янгиланиши. – Тошкент: Мухаррир, 2019.

Тадқиқотнинг усуллари Диссертацияда биографик, социологик, герменевтик, қиёсий-типологик каби таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хуршид Даврон шеъриятида табиат манзараларининг жамият ҳодисотлари билан уйғунлашиб кетганлиги, тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айлантириш жараёнлари, поэтик фикр ва ҳиссиётлар гаммасининг яхлитлик касб этганлиги унинг поэтик услубида пейзаж ва ижтимоий лириканинг мавқеини оширганлиги исботланган;

Хуршид Даврон лирикасида жаҳон шеъриятининг танк, хокку, терцет каби шеър шакллари синтешлаштирилганлиги, миллий шеъриятнинг Чўлпон, Ойбек, Рауф Парфи каби намоёндаларининг мусаллас шеър композициясини тузишдаги локанизми, рамзийликка асосланган образлиги, пейзаж яратиш услуби, фалсафий тафаккур тарзи анъаналарига издошлиги очиб берилган;

Хуршид Давроннинг воқеликнинг поэтик идрок этишдаги шеър композицияси, лафзий ва маънавий ифода тасвир воситалари, поэтик синтаксис, вазн ва қофия, ритм ва оҳанг устида ишлашдаги адабий маҳорати далилланган;

шоирнинг лирика, шеърлар ҳамда ривоятлар туркуми, эссе, тарихий бадиия, сонет, дoston жанрларига ҳамда маснавий, мусаллас, мурабба, аралаш вазн каби шеър шаклларига мансуб асарларининг бадиияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хуршид Даврон шеърияти намуналари социологик, қиёсий-типологик, биографик, герменевтик усуллар ёрдамида аниқланган;

шоир шеъриятини юзага келтиришда тарихийлик, рамзийлик, композицион ва шаклий ранг-баранглик, лиро-эпик тасвир уйғунлиги каби бадиий-тасвирий воситаларнинг аҳамияти очиб берилган;

шоир шеъриятининг муҳим жиҳатларидан бири-туркум шеърларнинг табиати, мазкур йўналишда композицион жиҳатларнинг ўрни, шеър структурасида адабий тил ва нормаларидан фойдаланиш маҳорати далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилигию Муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг социологик, қиёсий типологик, биографик, структурал усуллар воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шеърий асарлар таҳлили, поэтикаси, бадиий структураси, замонавий миллий шеърият тараққиёти, асосий тамойиллари, бадиияти, Хуршид Даврон шеъриятига хос хусусиятлари ҳамда илмий қарашларидан адабиёт назарияси, структурал адабиётшунослик йўналишларидаги тадқиқотларда назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот ишидаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Янги ўзбек адабиёти”, “Адабиётшунослик

назарияси”, “Адабиётшунослик методологияси” фанларидан дарслик, электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, унда қўлланилган атамалардан адабиётшунослик луғатларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хуршид Давроннинг индивидуал услуби ва поэтик маҳоратини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Хуршид Даврон шеърлятида табиат манзараларининг жамият ҳодисотлари билан уйғунлашиб кетганлиги, тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айланганлиги, поэтик фикр ва ҳиссиётлар гаммасининг яхлитлик касб этганлиги каби омиллар унинг поэтик услубида пейзаж ва ижтимоий лириканинг мавқеини оширганлиги ҳамда Хуршид Давроннинг воқеликнинг поэтик идрок этишдаги шеър композицияси, лафзий ва маънавий ифода тасвир воситалари, поэтик синтаксис, вазн ва қофия, ритм ва оҳанг устида ишлашдаги адабий маҳорати каби етакчи тамойилларини ёритишдаги хулосаларидан Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда амалга оширилган ФА-Ф-1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш” мавзуидаги фундаментал тадқиқот лойиҳани бажаришда фойдаланилган. (Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 8 сентябрдаги 17.02/208-сон маълумотномаси). Натижада, амалий лойиҳанинг самарали бўлишига хизмат қилган;

Хуршид Даврон лирикасида жаҳон шеърлятининг танк, хокку, терцет каби шеър шакллари синтетиштирилганлиги, миллий шеърлятнинг Чўлпон, Ойбек, Рауф Парфи каби намоёндаларининг мусаллас шеър композициясини тузишдаги локанизми, рамзийликка асосланган образлиги, пейзаж яратиш услуби, фалсафий тафаккур тарзи анъаналарига издошлиги каби хулосалардан 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г002 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзуидаги фундаментал тадқиқот лойиҳани бажаришда фойдаланилган. (Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 13 декабрдаги 383/1-сон маълумотномаси) Натижада, ўзбек ва қорақалпоқ адабиётидаги поэтик қарашлар боғлиқлиги илмий далилланган;

Хуршид Давроннинг лирика, шеърлар ва ривоятлар туркуми, эссе, тарихий бадиия, сонет, дoston жанрларига ҳамда маснавий, мусаллас, мурабба, аралаш вазн каби шеър шакллари мансуб асарларининг бадиияти орқали баён этилган хулосалардан Навоий вилоят телерадиокомпаниясининг “Долзарб мавзу”, “Адабий муҳит” дастури сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Навоий вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 7 июлдаги 01-02-120-сонли маълумотномаси). Натижада, томошабинларнинг буюк аждодларимиз илмий меросига ҳурмат, умуминсоний қадриятларга муҳаббат туйғуси ҳақидаги назарий фикр-мулоҳазалар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий мақола чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий атестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, 3 та халқаро, 9 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Поэтик мазмун ва эстетик ғоя”** деб номланиб, ушбу боб икки фаслдан ташкил топган. **“Хуршид Давроннинг индивидуал услуби”** деб номланган биринчи фаслида шоирнинг ўзига хос услуби, унинг ижодида тарихийлик ва ижтимоийлик етакчи ўрин эгаллаши ҳақида фикр юритилган. Услубни соддароқ қилиб ғоявий-эстетик хусусиятлар йиғиндиси дейиш мумкин. Услуб кенг маънода ижодкор асарларидаги ғоявий-бадий хусусиятлар бирлиги бўлса, тор маънода ижодкорнинг тасвирлаш усулидир. Хуршид Давроннинг индивидуал услуби деганда, биз кейинги маънони назарда тутамиз. Шоирнинг воқеликни акс эттиришдаги ўзига хос йўли, танлайдиган тасвир воситалари, образлари, ифода манераси, биринчи навбатда, Ойбекнинг шеърий услубига анча яқин: 9, 11 бўғинли қисқа вазнларнинг танланиши, руҳий ҳолат ёки кечинма ривожини пейзаж воситасида кучайтириш, айрим сатрларнинг символистлар ижодига хос метафоралардан ташкил топиши, шеър бағрида мунгли пафоснинг етакчилиги ва бошқалар.

Хуршид Давроннинг шеъриятдаги индивидуал услуби ҳайкалтарошлик, рассомчилик санъатларидаги образ яратиш усулларига яқинлик касб этади. Шоир тасвир объектига қаратилган масаланинг бир моментини, биргина ҳолатини тутиб олади ва уни ҳар томондан суратга олаётгандек таассурот қолдиради.

Хуршид Даврон қандай мавзуда қалам тебратмасин, лирик қаҳрамон нутқини тарихий деталлар билан бойитади. Тарихий сўзлар, ота-боболаримизнинг залворли тарихини эсга соладиган атамалар шоир лирикасининг воситачисига айланади. Гўё унинг асарларида тарихийлик замонавийликнинг қон томирларидаги гемоглобин каби мавқега эга. Шоир поэтик услубини белгиловчи омиллардан бири тарихийлик бўлса, ўзга бир қирраси реал ҳаётини тасвирларда фольклор образларидан унумли фойдаланишида кўзга ташланади. Шу боис мазкур фаслда шоирнинг ўндан ортиқ шеъри таҳлил қилинди ҳамда унинг поэтик услуби Ш.Раҳмон, У.Азим каби тенгдош сафдошлари билан қиёсий ўрганилди. Гарчи мағрур авлод вакиллари ижодида ватан озодлиги, миллат эрки асосий мавзу саналса-да, уларнинг ҳар бирини ифода этиш усули ўзгача, индивидуал. Бу табиийки, услубни белгиловчи муҳим жиҳатдир. Шу сабабдан Хуршид Даврон шеъриятида учрайдиган ҳар бир детал, образ, эпизод, ҳодиса тарихдан ривоят сўзлайди. Тарихдан гувоҳлик беради, тарихни уйғотишга хизмат қилади.

“Учиб бораман қушлар билан” тўпламидан бошлаб шоирнинг индивидуал услуби тиниклашиб, адабий маҳорати шаклланиб бораётган етук шоир мисолида кўринади. “Учиб бораман қушлар билан” китобининг шоир ижодий камолотида янги босқич бўлганлиги шунда кўринадикки, биринчидан, илк шеърларида кўринган воқеанавислик ўзига хос лиро-эпик уйғунликни юзага келтиради. Бу айниқса, “Уйғоқ тошлар” достонида ёрқинроқ намоён бўлади. Иккинчидан, алоҳида танлаб олинadиган тарихий ҳодиса, факт, шахс ҳаёти, ижоди билан боғлиқ ҳолатлар конкретлаштирилиб, тарихий асос кучайтирилади. Ғафур Ғулумда бу тарихийликка фалсафий муносабатда бўлинса, Хуршид Даврон услубидаги тарихий ҳодисалар чизгиси пейзаж манзаралари фонида очилади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **“Шоир шеъриятида тарихийлик ва тарихий шахслар тимсоли”** деб номланган. Хуршид Даврон шеъриятини тарихнинг бадиийлаштирилган манзаралари дейиш мумкин. Бу шеърият кўнгилларга алла айтиб, руҳни эркалатадиган, қалбга қувонч бағишлайдиган шеърият эмас. Ундаги ҳар бир мисра, байт, бандлар қатидан илгари сурилайётган поэтик ғоялардан, тасвирланаётган детал ва образлар руҳиятидан мунг, изтироб, маҳзунлик сизиб чиқаётгандек бўлади. Хуршид Даврон ўз замондошларининг дарду-қувончларини, руҳий изтиробларини ўз вақтида англаб етган шоирлардан ҳисобланади. Асосан, жадидчилик ҳаракатидан бошлаб етук шахслар қалбини безовта қилган эрк, озодлик, миллий истиқлол ғоялари акс садо бериб, 70-йиллар иккинчи ярмида поэтик кашфиётларга айланди.

Тарих фақат рақам ва саналар, маълум шахсларнинг биографик маълумотларидан иборат эмас, у аждодларимизнинг тушунча ва тасаввурларини, эътиқоду дунёқарашларини, бизга мерос қолдирган ватан аталмиш масканнинг синоату сабоқларини, меҳру саховатини ўз бағрида мужассам этган мураккаб жараён дир. Намоз Ботир ҳам ана шу жараёндаги келажак авлод таяниши мумкин бўлган муҳим тарихий шахслардан бири

ҳисобланади. Шу боис шоир Намоз Ботир образига қайта-қайта мурожаат қилади.

Хуршид Давроннинг “Падаркуш” шеърининг ҳажми кичикроқ дostonга тенг бўлсада, аммо шоир айтмоқчи бўлган фикрларнинг салмоғи ниҳоятда катта. Шеър гарчанд Улуғбекнинг фарзанди шахзода Абдулатиф ҳақида бўлса-да, бу ўринда шеърда Абдулатиф бир тимсол сифатида гавдаланади. Шоир тушида Мирзо Улуғбекни кўради. Улуғ астроном билан шоир ўртасида диалогик нутқ жараёни бошланади. Шеър ярмидан кейин падаркуш образи умумийлик касб эта боради. Шўролар даври падаркушлар даврига менгзалади. “Боболар ҳикмати”, “Момолар сарвати” ғорат қилинганлиги, Таробий мақбарасини бузган ҳам, таробийлар чиқмасин деб тарихни қайта тузган ҳам, қор тушган пахтазорларга болаларни қувиб солган ҳам падаркушлар эканлиги айтилади.

Дунёнинг қай бир гўшаси бўлмасин, эрку-озодлик, истибдод ва мустамлака турли тилларда турлича жарангламасин, Хуршид Даврон наздида ва назмида бир хил моҳиятга эга. Шу боис шоир фақатгина ўз халқининг тарихий ҳақиқатларини бадиийлаштириш билангина чекланиб қолмайди. Унинг “Эстония”, “Т.Қосимбековнинг “Синган қилич” китобига битик”, “Лорка ўлими”, “Верешагин” каби ўнлаб шеърлари масаланинг моҳиятига умуминсоний ғоялар билан ёндашганлигини кўрсатади.

Умуман олганда, Хуршид Даврон лирикаси - тарих ҳақиқатлари билан тўйинган, озиқланган, эстетик таъсирчанлиги, мазмунан оригинал, шаклан пишиқ, моҳиятан теран бадиий ҳақиқатлардир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Давр талқини ва табиат тасвири”** деб номланган бўлиб, мазкур боб уч фаслдан иборат. Биринчи фаслда **“Шоир ижодида ижтимоий лирика ва унинг хусусиятлари”** мавзуси тадқиқ этилади. Давр, тарих, шахс каби масалалар йирик ижтимоий-фалсафий тушунчалардир. Аслан олиб қаралганда, шахсда маънавий ва ахлоқий фазилатлар юксак даражада шаклланганда у шахсга айланади. Алоҳида шахсиятлар давр ва тарихни ўзгартириши, янгилаши, унинг руҳий-маънавий иқлимини бошқа бир ўзанга солиши мумкин. Шу маънода 70-йиллар авлодини бирлаштирган муҳим бир жиҳат улар шахсининг етуклиги билан боғлиқдир. Эрк, озодлик тушунчалари бу шахсларни бирлаштирган муҳим омиллардан ҳисобланади. Бу тушунчалар талқини эса табиийки, шеърятда ижтимоий мавзу ва мазмунни кучайтирди. Шеърда сеҳр ва ҳикмат борлигини Хуршид Даврон шеърятти мисолида конкретлаштириш мумкин: бу асарларда кўпинча тарих-тезис, бугун-антитезис, келажак-синтез тариқасида таассурот қолдиради.

Хуршид Давроннинг лирик қаҳрамони мисолида ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Лекин бу лирик шахснинг “самовий хаёллари” маълум бир ижтимоий масалалардан бутунлай озод эмас. Соф пейзаж шеърдек туюладиган асарларида ҳам шундай. Масалан “Эриб кетар хира туманлар” деб бошланадиган тўрт банддан иборат табиат тасвирига бағишланган шеърида ҳам шундай инсон ички кечинмаси билан боғлиқ жараёнларни

яққол кузатишимиз мумкин. Бироқ охирги икки мисра кутилмаганда китобхон диққатини табиатдан ижтимоий дардга қаратади.

Хуршид Даврон лирикасида давр ва шахс масаласи ўзига хос усулда талқин қилинган. Шунинг учун балки шоир мозийга кўпроқ эътиборини қаратган бўлса ажаб эмас. Ватанпарварликнинг ёрқин тимсоли бўлган Тўмарисдек мағрур аёллар, буюк маърифатпарвар ҳукмдор соҳибқирон Амир Темур, Намоз ботирдек мард ўғлонлар шу сабабдан доимо шоирнинг эътибор марказида бўлган ва ижодий камолотида бош қаҳрамонларга айланган.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли **“Хуршид Даврон лирикасида пейзаж тасвири”** деб номланган. Азалдан инсон ўзини табиатнинг бир бўлаги ҳисоблаб келган ва у билан бир бутун бўлиб яшашга ҳаракат қилган. Бу антик давр адабиётида ҳам, халқ оғзаки ижодида ҳам ўз ифодасини топган. Инсон архитектурани илк бор табиатдан, асаларилардан ўрганган дейишади. Шеърятда табиат тасвири лирик қаҳрамон кечинмаси билан боғлиқ тарзда турланади, шеър мазмунини тўлдиради, қаҳрамон руҳий ҳолати ва кайфиятини ифода этишга йўналтирилади, характерини очади, муайян композицион вазифаларни бажаради. Хуршид Даврон лирикасида табиат тасвири жой, макон ўрнида келиши билан бир қаторда, шоир туйғуларини бойитувчи, ҳиссиётларига эрк берувчи образ ҳамда лирик қаҳрамон кечинмаларига ҳамдард, шоир яратган манзараларнинг эса жонли иштирокчисидир. Хуршид Давроннинг табиат манзараларини рассомлардек тасвирлашида ой, қуёш, юлдуз каби осмон жисмлари орқали образлар яратишида устози Ойбекнинг таъсири борлигини сезиш қийин эмас. Бу ҳолатни ўз вақтида пайқаб, Нуриддин Шукуров: “Шеърятимиз бўстонида Хуршид Даврон гулзори ўзига хос. Бу гулзорнинг бошланишида биз Ойбек, Ҳамид Олимжон боғининг ифтор ҳидли гулларига дуч келамиз”⁴, деганида тамоман ҳақли эди.

Хуршид Даврон шеърятда Ойбекка хос услуб, шеърини машқлар борасидаги изланишларда ҳам кўзга ташланади. Мазкур хусусият Ойбек шеърятининг ўзгача оҳанг ва ритмда жаранглашига хизмат қилган. Хуршид Даврон эса Ойбек шеърятдаги мазкур ҳолатга мос равишда назира (ўхшатма) боғлай олган.

Ғуруб ёнғини қоплар,
Само юзи анордек,
Булутлар атлас каби. (*Ойбек*)

Ғурубнинг гулдастаси
Ўйноқлайди денгизда
Бамисоли атласдек. (*Х.Даврон*)

Хуршид Давроннинг аксарият шеърларида лирик ифода табиат тасвири билан уйғунлашиб кетади. Шоир руҳий ҳолатини, оний кайфиятини, кўнгил кечинмаларини ой, қуёш, барг, дарахт, тун, куз, ёмғир, шамол, сой, дала, гиёҳ

⁴Шукуров Н. Сўз сеҳри, шеър меҳри. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. – Б.118.

кабиларни жонлантириш орқали ифода этади. Шу боис адабиётшунос ва ёзувчи Аҳмад Аъзам “Хуршид дунёни узвий алоқадорликда, умумий меҳрда кўришга мойил. У бундай мураккаб ҳаётий фалсафани содда поэтик талқин этадики, бу камолот йўлида бораётган маҳоратдир”⁵ - деб ёзган эди.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли **“Шоир шеъриятида лиро-эпик тасвир уйғунлиги”** масаласини ойдинлаштиришга қаратилган. Гарчи ҳар қандай лирик асарда ҳам субъективизм етакчилик мақомида кўзга ташлансада, бу субъективизмнинг юзага келишида объектив олам ҳодисалари ва манзаралари муҳим рол ўйнайди. Бу тушунчалар бир-биридан эт ва тирноқдек ажралмасдир. Ҳаттоки медитатив, ўзбек тилида баъзан соф лирика аталадиган шеър намуналарининг ички ва ташқи қурилиши ҳам эпик унсурларнинг тўқималаридан ташкил топган, яъни шеър маълум бир ташқи таъсир, предмет, ҳодиса, факт, деталь, қолаверса, ўзга бир шахс сабаб яратилади. Хуршид Давроннинг “Мен эртага жуда эрта” деб номланувчи шеърида воқеа тасвиридан айрим штрихлар олинади. Мақсад лирик қаҳрамон туйғуларини босқичма-босқич кузатишдир. Кечинманинг туғилишига сабаб бўлган ҳаракат-оқ кўйлакни кийиш, далаларни кезиш, ўқувчи диққатини ягона ракурсда бирлаштиради. Ўқувчи субъект ҳатти-ҳаракатларини кузатиб туриб бевосита шу жараён иштирокчисига айланади.

Лирик диалоглар асосига қурилган шеърларда ҳам қандайдир воқеа жонлантирилади. Уларда ҳам бир ибратомуз ҳодиса ифодаси берилиб поэтик хулоса, кайфият яратилади. Хуршид Давроннинг шу кўринишда яратилган шеъри “Бир чолни учратдим” деб номланади. Шеърнинг ҳар бир бандига алоҳида хулоса, поэтик ғоя сингдирилган. Чунки ҳар бир чол ўзининг қилмишлари ортидаги “ажр-мукофоти”ни айтиб беради. Китобхон эпик манзарани лирик қаҳрамон ҳамроҳлигида кузатади. Қилмиш-қидирмишга жавобни ўзга бир шахс жавобидан топади. Китобхон таассуротлари лиро-эпик тасвир уйғунлигидаги чуқур драматизм билан суғорилган диалогларда бойиб боради. Семиотик нукта эса шеър якунида тамоман фожеавий тус олади.

Шоир қаламига мансуб “Бобур” шеъри анчагина катта ҳажмда бўлиб, у саккиз банддан иборат. Мазкур воқеабанд шеърда Бобурнинг Шайбонийхондан енгилиб, сўнгги умидлари пучга чиқиб Хуросон томон отланиши воқеалари тасвирланади. Отларнинг тинимсиз ҳаракати, ортдаги душманнинг таҳликали шовқини эшитилиб туради. Бундай ҳаракатдаги сахна манзараси уч бандда ниҳоясига этади. Ҳар бир воқеа лирик кечинма билан уйғунлашиб, ажиб тароват, фасоҳат касб этади. Китобхон диққатини омонат ҳаёт, таҳликали умр тўлқинлари бир нуктада ушлаб туради. Тўртинчи банддан эса лирик қаҳрамоннинг даъваткор хитоби бошланади.

Мазкур шеър аввал таҳлил этганимиз каби қуруқ воқеа тасвири эмас. Ҳар бир бандда лирик қаҳрамон атрофини поэтиклаштирилган субъектив вазибалар беаб туради. Эпик кўлам лирик тасвир қуюқлигидан сезилмас

⁵Даврон Хуршид. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.3.

даражага келиб қолади. Яъни бири туртки берган ифодага иккинчиси зарурий либос кийдиради ва уйғунлаштиради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Жанрлар ранг-баранглиги ва ижодкор маҳорати”** деб номланади. Унинг биринчи фаслида **“Шеърий туркумлар поэтикаси”** ўрганилган. Хуршид Даврон ижодида сонет жанридаги шеърлар унча катта салмоққа эга эмас. Аммо бу сонетлар бир қатор ноанъанавийлик ва ўзига хослиги билан эътиборни тортади. Шоирнинг **“Қакнус”** тўпламида **“Қисқа сонет”** деб аталган шеъри берилган. Бундаги **“сонет”** жанр маъносида эмас, балки аксарият сонетларнинг ички пафосини белгилайдиган ишқ, айрилиқ маъноларини ифодалайди.

Сонет асли икки тўртлик ва икки учликдан, анъанавий сонет эса уч тўртлик ва бир иккиликдан иборат. Ушбу шеър эса, бир тўртлик, бир учлик ва бир иккилик бандларидан иборат бўлиб, жами тўққиз мисрани ташкил этаяпти. Ишқий мавзуда ёзилганлиги, банд тизимидаги ўхшашлик, айрилиқ мотивига таянилгани, лирик кечинманинг пейзаж билан уйғунлаштирилганлиги каби қатор хусусиятлари билан сонетни эслатади, шоир айтганидек, чиндан ҳам **“қисқа сонет”** илмий-назарий қарашлардан келиб чиқадиган бўлсак, сонет бўлиши учун унга бир тўртлик ва бир учлик етмайди, яъни анъанадагидек ўн тўрт мисра эмас. Шоир бу шеърни том маънодаги сонет қилмоқчи бўлмаган, поэтик фикрни қандай бўлса, шундайлигича ифода этган ва шунинг учун **“қисқа сонет”** деб атаган.

Хуршид Даврон шеъриятида учлик шеър тизими кўп учрайди, айтиш мумкинки, мураббаъ шеър шаклидан кейинги ўринни эгаллайди. **“Баҳордан бир кун олдин”** шеърий тўпламида сонетлар туркуми эълон қилинган. **“Эй тилим, эй элим, эй она тупроқ”** деб номланган бу туркум ўн тўртта сонетдан ташкил топган. Банд қурилиши ўзига хос мураккаб шеър шакли бўлган сонет ўн бешта бўлса, сонетлар гулчамбарига айланади ва ўн бешинчиси магистрал ҳисобланади. Хуршид Даврон сонетлар туркуми деб тўғри атаган, яна бир сонет қўшганида ҳам бу туркум гулчамбар бўлмасди. Чунки сонетлар гулчамбари бўлиш учун биринчи сонетнинг охириги мисраси билан иккинчи сонет бошланади ва шу тартибда давом этиши керак. Хуршид Давроннинг туркумида эса бу анъанага амал қилинмаган. Анъанавий сонетчиликда асосий ўрин тутадиган мавзулар бор, булар-ишқий-интим, пейзаж, фалсафий, санъат мавзуларидаги сонетлардир. Шоирнинг туркуми халқимиз маънавий оламида порлаган сўз санъаткорларига, улар фаолиятининг энг муҳим қирралари тавсифига бағишланган. Алишер Навоий, Турди Фароғий, Нодира, Фурқат, Огаҳий, Аваз Ўтар, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Миртемир, Мақсуд Шайхзодаларга бағишланган сонетларни бирлаштириб турадиган, уларни ягона туркумга мансублигини асослаб берадиган нукталар мавжуд, бу-тил, эл ва она ватан тупроғи каби ижод аҳлига ҳамиша илҳом бахш этадиган тушунчалардир. Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу масалалар шоирнинг ўзга жанрдаги асарлари, жумладан, шеърий ривоятларининг ҳам ғоявий леймотивини белгилайди. Хуршид Даврон **“Баҳордан бир кун олдин”** китобида шеърий ривоятларни алоҳида туркум сифатида тақдим этади. Бу туркумда Ватан ҳақидаги етти ривоят жамланган. Хуршид Давронни буюк

тарихимизнинг улуғ шоири десак, хато бўлмаса керак. Широқ, Тўмарис ҳақидаги бизгача етиб келган маълумотлар ва ривоятлар ҳам бу асарнинг яратилишига асос бўлган. Хуршид Давроннинг ривоятлар туркуми 1989 йилда ёзилган. Худди сонетлар туркумида бўлганидек, шеърлар ҳамда ривоятлар туркумида ҳам муайян масаланинг янги-янги қирралари очилиши, бадий кашф этилиши зарур. Хуршид Даврон тартиб берган ривоятлар туркуми ҳам қўйилган муаммо ва унинг ҳал этилиши билан бир-бирининг узвий давоми бўлиб, мантиқан бир-бирини тўлдиради. Фольклор ва ёзма достончиликда келтириладиган ривоятларда маълум бир воқеалар ҳикоя қилинади. Хуршид Даврон ривоятларида маълум бир воқеага ҳиссий-эмоционал муносабат устунлик қилади. Биринчисида объективизмнинг, иккинчисида эса субъективизмнинг мавқеи баланд. Бу Хуршид Даврон ривоятларининг индивидуал услубидан келиб чиқувчи ўзига хос жиҳатдир.

Замонавий ўзбек адабиётида шоира Зулфиянинг “Тонг ва шом” деб аталган асарлари шеърлар туркумининг ажойиб ва мумтоз намунасидир. Туркум шеърлар одатий шеърлардан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади.

1. Шоир маълум мавзу доирасидаги лирик кайфият таъсиридан чиқиб кетмаган бўлиши керак, яъни туркумга турли йилларда ёзилган шеърлар эмас, балки муайян муддатда бир зарб билан ёзилган шеърлар жамланади. Мисол учун сафар таассуротлари каби. Хуршид Давроннинг “Қоратоғ дафтари” шу туркумга мансуб.

2. Бу туркумда бир масаланинг ранг-баранг қирралари янгидан-янги жиҳатлари билан очилиб бориши, мавзу ва мантиқ жиҳатидан шеърлар бир-бирини тўлдириб бориши керак.

3. Туркумдаги шеърлар ички пафос нуқтаи назаридан ягона гармония ҳосил қилиши керак. Шунингдек, мусиқийлик ва оҳангдорлик ҳам уларни бирлаштириб турувчи хусусиятлардандир.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли **“Шоирнинг композиция тузишдаги маҳорати”** деб номланган. Илк изланиш қийинчиликлари нимада бўлиши мумкин? Бу айтмоқчи бўлган фикрини яхшироқ бир композицияда беришда намоён бўлади. Чунки ёш шоир композициянинг энг муҳим масаласи-гапни нимадан бошлаб, нимада тугатиш кераклигини яхши ҳис қилгандагина яхши шеърлар ёза бошлайди. Шу нуқтаи назардан шоирнинг илк шеърларидан бири сифатида тақдим этилган “Февраль” шеърини кўриб ўтамиз.

Қор ёмғирга айланиб
Дала узра ёғмоқда.
Уфқларга бойланиб,
Лойга ботган сўқмоқлар.
Булутларнинг тоби йўқ
Улар озган, тўзиган.
Кўкда қуёш сурати
Энди яхши чизилган.
Юпқалашган қиш қалби
Юракдаги ғам каби
Далаларда эрир қор.

Кўриниб турибдики, биринчи икки мисра оддий маълумот, табиат ходисасини қайд этишдан иборат бўлиб қолган. Кейинги икки мисрада оригинал образли ифода мавжуд, хусусан “Уфқларга бойланиб”, “Лойга ботган сўқмоқлар”. Каби Иккинчи бандда булутларнинг поэтик ифодаси орқали жонлантириш санъатида ажойиб манзара яратган. Қор ёмғирга айланганда жуда кучли ёғингарчилик бўлмайди, ёмғир сепалаб ўтади, холос. Бундай об-ҳавода осмон тиниқ тортиб, булутлар озган, тўзгандек, қуёш янада чароғон нур таратаётгандек туюлади. Бу икки банд соф пейзаж манзараси. Шеър сўнигидаги гўё композицион жиҳатдан номукамалдек туюладиган (тўрт мисралик эмас), уч мисралик бандда табиат тасвирига лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари уйғунлашиб кетади. Агар учинчи бандда “юпқалашган қиш қалби” метафорик жонлантириши бўлмаганда охириги икки мисранинг оддий ахборотдан фарқи қолмас эди. Ана шу “Февраль” шеъри мисолида ҳам шоирнинг илк услубий изланишларидаги бўй кўрсата бошлаган аломатларни кўриш мумкин. Бу-оддий, содда жумлалар билан мураккаброқ саналган метафорик ифода кўринишларига ўтиб кетиш ёки, аксинча, метафорик фикрлашдан оддий, содда ифода манерасига ўтишдир. Хуршид Даврон шеърларида кўп учрайдиган композицион усуллардан бири банддаги айрим мисраларни туроқланиш тартибига қараб икки мисрага бўлишида кўзга ташланади.

Шамол елар//
Гўдак улғаяр//
Энди ундан келмас гул иси,//
Қадоқ қилар қалбини ғамлар,//
Кафтларини кетмон дастаси.//

Хуршид Даврон лирикасида аралаш бандли шеърлар кўп учрайди. Бу шеърларда уч мисралик бандлар тўрт мисралик бандларга, тўрт мисралик бандлар уч мисралик бандларга айланиб кетаверадими, бу шоир шеъриятининг бошқалар ижодида учрамайдиган ўзига хосликларидан биридир.

Баъзан тўрт мисрали шеър банди беш мисралик бандга, ундан сўнг икки мисралик бандга айланади. “Шундай яшил менинг ватаним”, “Мендан фақат сўзлар қолади”, “Мезон кечди” деб бошланувчи шеърлар “Февраль”, “Ёмғир қадаҳ чўзар”, “Қишлоққа қайтиш ёки Умрзоқ лайлакнинг ўлими” каби шеърлари бунинг характерли мисолидир. Хуршид Даврон ижодида бандланиши уч мисралик бўлган, баъзан мусаллас, баъзан мусаммат аталадиган (Европада терцет) шеър шакли ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам, бугунги лирикада ҳам унча кўп учрамайди. Хуршид Даврон Чўлпон, Ойбек, Рауф Парфилар лирикасидаги композиция тузилиши усулларини яхши ўзлаштирган, шунингдек, япон шеър шакли бўлган танк, хокку намуналарини ўзбекчага таржима қилиш жараёнида учлик шеър шаклининг лаконик хусусияти, мўъжаз санъат эканлигига амин бўлган. Хуршид Даврондаги учлик банд ана шундай мустаҳкам асосга эга, бу ўткинчи ҳавас йўлларидаги шунчаки уриниш эмас эди.

Қора тунда сўлди япроқ	- 8
Сўнгги япроқ	- 4
Вужудларда сўнди титроқ	- 8
Тинди тупроқ	- 4

Қушлар учди тонг олдидан	-8
Қўк сурмаранг.	-4
Уфқларга урилди-да,	- 7
Синди жаранг.	- 4

